

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 431-ҳадис

431 – وَرَوَاهُ مُسْلِمٌ أَيْضًاً مِنْ رِوَايَةِ سَلْمَانَ الْفَارِسِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى مِائَةَ رَحْمَةٍ، فَمِنْهَا رَحْمَةٌ يَرَاهُمْ بِهَا الْخَلْقُ بَيْنَهُمْ، وَتِسْعَ وَتِسْعُونَ لِيَوْمِ الْقِيَامَةِ» [2753].

وَفِي رِوَايَةِ: «إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى حَلَقَ يَوْمَ حَلَقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ مِئَةَ رَحْمَةٍ، كُلُّ رَحْمَةٍ طِبَاقٌ مَا بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ، فَجَعَلَ مِنْهَا فِي الْأَرْضِ رَحْمَةً، فِيهَا تَعْطِفُ الْوَالِدَةُ عَلَى وَلَدِهَا، وَالْوَحْشُ وَالطَّيرُ بَعْضُهَا عَلَى بَعْضٍ، فَإِذَا كَانَ يَوْمُ الْقِيَامَةِ أَكْمَلَهَا هَذِهِ الرَّحْمَةُ» [م 21/2753].

431. Имом Муслимининг Салмон Форсий розияллоҳу анҳудан қилган ривоятида: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Аллоҳнинг юзта раҳмати бор. Шундан бир раҳмати билан жамики махлукотлар бир-бирига раҳм қиласи, тўқсон тўққизтаси эса Қиёмат куни учундир».

Яна бошқа бир ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Аллоҳ осмонлару ерни яратган куни юзта раҳмат яратди. Ҳар бир раҳматнинг кенглиги еру осмон орасичадир. Шундан бир раҳматни ерга қўйди. Ўша (раҳмат) билан она боласига, ваҳший ҳайвонлар ва қушлар бир-бирига меҳрибонлик қиласи. Қиёмат куни ўша билан раҳматини комил қиласи».

Шарҳ: Аллоҳ таолонинг раҳмати кенг, Унинг мағфират эшиклари биз учун ҳамиша очиқ. Мўмин-мусулмонлар беш маҳал намознинг ҳар бир ракатида «Фотиҳа» сурасининг: «(У) Мехрибон, Раҳмли» оятини тиловат қилганда, бир кунда 64 маротаба Аллоҳнинг Мехрибон ва Раҳмли эканлигини зикр қиласидилар.

Қуръони каримда «раҳмат» ва унга боғлиқ бўлган 315 дан ортиқ сўзлар учрайди. Ростгўйлик - 145 марта, сабр - 90 марта, афв - 43 марта, сахийлик - 42 марта, тўғрилик - 40 марта, содиқлик - 29 марта, одиллик - 24 марта, беозорлик - 15 марта зикр этилган.

Агар касал бўлсангиз ёки бирор кўнгилсизликка дучор бўлсангиз, бу Аллоҳнинг сизга ғазаб қилгани ёки жазолаганини билдирамайди, балки бу ҳам раҳматдир. Зоро, мусибат орқали Аллоҳ таоло бандаларини синааб, Ўзига яқин қиласиди ва гуноҳларини мағфират этади.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусулмонга қай бир мусибат, чарчашми, bemorlikmi, taşvişimi, hafaçılıkmi, oзорми, ғam-füssami, ҳаттоки тикан киришми етадиган бўлса, албатта, Аллоҳ улар ила унинг хатоларини каффорат қиласиди», дедилар (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Агар бошингизга бирор мусибат тушса, бу Аллоҳнинг сизга ёмонликни исташи эмас, бу ҳам раҳмат. Бу билан Аллоҳ сизга ўзининг яхши кўрган бандаларидан бири бўлиш имконини берган бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар: «Яхшиликлар катта синовлар билан келади. Қачонки Аллоҳ бир бандасини яхши кўрса, Аллоҳ ўша бандага бир синовни юборади. Агар банда синовга сабр қилса, Аллоҳнинг раҳматига эришади, аммо сабрсизлик қилса Унинг ғазабига дучор бўлади».

Агар бирор савобли амал қилсангиз ҳам буни Аллоҳнинг фазли ва раҳмати ила адо этганингизни унутманг. Лекин гуноҳ иш содир этсангиз дарҳол тавба қилиб, Аллоҳга истиғфор айтинг. Зоро, «Албатта, Аллоҳ одамларга нисбатан меҳрибон ва раҳмлидир» (Бақара сураси, 143-оят.)

Манба: hadis.islom.uz



